

“Конвин” АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича Хабарнома

АКЦИЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядор, “Конвин” АЖ, Сизга 2024 йил 20 июнь куни соат 11-00 да Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида (жамият мажлислар залида) 2023 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 18 июнь ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қатнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 20 июнь куни соат 10:00 дан бошланиб соат 10:30 га қадар давом этади.

Сизга умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Жамият саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан жамиятни 2023 йилга бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан жамият Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2024 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақининг энг кўп миқдорини белгилаш;
7. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил баҳолаш ташкилоти ҳисоботини кўриб чиқиш;
8. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2023 йилдаги фойда ва зарарларни тақсимлаш, жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2024 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият ижроия органи раҳбарини ва бошқарув органи аъзоларини сайлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг материаллари билан Ғазалкент шаҳри, Заводская кўчаси, 48-уй манзилида, “Конвин” АЖда танишишингиз мумкин.

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса – Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.